*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 23 сентябрь ● сешанба ● № 41-42 (601) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

## Ислом КАРИМОВ:

***Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топган.***



Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар

**Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 23-моддасининг 1-банди:**

***Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.***

60

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ

**Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 26-моддасининг 2-банди:**

***Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга ва инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришга қаратилмоғи лозим. Таълим барча халқлар, ирқий ва диний гуруҳлар ўртасида бир-бирини тушуниш, бағрикенглик ва дўстликка хизмат қилиши ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги фаолиятига кўмаклашиши керак.***





**Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 25-моддасининг 1-банди:**

***Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишига ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга.***

● *Қонун моҳияти*

# ЯНГИ ТАҲРИРДА

## янги қоидалар ўз аксини топди

**Маълумки, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 22 апрелда қабул қилинди. Олий Мажлис Сенати томонидан 2008 йил 27 июнда маъқулланди.**

«**Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишдан мақсад, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш шарт-шароитларини мукаммаллаштириш, уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ва иш берувчиларнинг ногиронларни иш билан таъминлашдан манфаатдорлигини ошириш, шунингдек, Қонун нормаларини Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларнинг талабларига мувофиқлаштиришдан иборатдир.

«**Умумий қоидалар**» деб номланган 1-боб асосий тушунчалар, шахсни ногирон деб топиш, ногиронлар ҳуқуқларининг кафолатлари, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсати, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ногиронлар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда уларни ижтимоий ҳимоя қилишда иштирок этиши ҳақидаги саккиз моддадан ташкил топган. Эски таҳрирдаги Қонундан фарқли равишда, янги таҳрирдаги Қонунда «ногирон» тушунчаси кенгроқ талқин қилиниб, уни БМТ томонидан 2006 йилда қабул қилинган **Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция** қоидаларига мувофиқлаштириш назарда тутилмоқда. Янги таҳрирдаги Қонунда «ногирон» тушунчаси қўшимча равишда руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги каби ижтимоий жиҳатларни ҳам ўз ичига олади. Шу билан бирга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ногирон деб топилган шахс ногирон ҳисобланиши аниқлаштирилган.

БМТ томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган “**Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция**”га мувофиқ ҳамда ногирон болалар учун назарда тутилган ижтимоий имтиёзлар ва кафолатларнинг аниқ йўналтирилганлиги, бошқача қилиб айтганда, манзиллилигини кучайтириш мақсадида Қонунга «ногирон болалар» тушунчаси киритилган. Шу муносабат билан янги таҳрирда қабул қилинган Қонун ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болаларни, алоҳида тарзда эса ўн олти ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш тартибини аниқлаштирадиган қоидалар билан тўлдирилмоқда. Бундан ташқари, ушбу Қонун «ногиронларни реабилитация қилиш» ва «тиббий-ижтимоий экспертиза» каби янги тушунчалар билан ҳам тўлдирилди.

Янги таҳрирдаги Қонуннинг 8-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ногиронлар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда уларни ижтимоий ҳимоя қилишда иштирок этиш шакллари батафсил баён этилган. Улар, жумладан, ногиронларнинг ҳуқуқларини таъминлашга доир ваколатларни амалга ошириш чоғида давлатдан ва белгиланган тартибда халқаро ташкилотлардан ҳуқуқий, услубий, ташкилий ҳамда молиявий ёрдам олиши, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда, шунингдек, тегишли тадбирларни молиялаштиришда иштирок этиши мумкинлигини назарда тутади.

Қонуннинг 2-боби **«Ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириши, транспортдан, алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш»** деб номланган, у ўз ичига 3 та моддани қамраб олади. Аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуриш, транспорт воситалари, алоқа ва ахборот воситаларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришда ногиронларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олинишини таъминлаш мақсадида Қонунда янги бинолар, иншоотлар ва уларнинг комплексларини қуриш бўйича ишлаб чиқилаётган лойиҳа ечимлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишилиши шартлиги ҳақида қўшимча талаб белгилаб қўйилди. Айни вақтда бинолар, иншоотлар ва уларнинг комплексларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш нормалари ва қоидалари ногиронларнинг тегишли жамоат бирлашмалари фикрини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилиши лозимлиги ҳам аниқлаштириб берилди.

3-боб **«Ногиронларни реабилитация қилиш»** деб номланиб, мазкур боб ногиронларнинг жамиятга интеграциялашуви тадбирлари моҳиятини очиб беришга қаратилган. Чунончи, 12-моддага мувофиқ ногиронларни реабилитация қилишнинг асосий мақсади ногиронларнинг тўлақонли турмуш кечириши ҳамда ўз ҳуқуқлари ва потенциал имкониятларини рўёбга чиқариш имконини берувчи ижтимоий мақомини, ўзига ўзи хизмат кўрсатишга ва касбий фаолиятнинг ҳар хил турларига доир қобилиятларини тиклашда намоён бўлади.

3

**Адлия вазирлигида навбатдаги Кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази вакиллари ҳамда вазирликнинг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Суд департаментининг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, шунингдек, адлия муассасалари раҳбарлари иштирок этишди.**

● *Адлия вазирлигида*

# КЕНГАЙТИРИЛГАН ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ



Маълумки, жорий йилнинг 1 майида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”**ги Фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон эълон қилинишининг асосий мақсади, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юз бераётган ўзгаришлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятини хабардор қилиш, ушбу халқаро ҳужжатнинг аҳамиятини кенг аҳоли оммасига етказишдан иборатдир.

Ушбу Фармонда инсоният тараққиётининг энг эзгу мақсадлари ва демократик қадриятлар тимсоли бўлган ғоят муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжат – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган чора-тадбирларни ҳар жиҳатдан юқори даражада ташкил этиш асосий вазифалардан этиб белгиланган.

Фармон билан тасдиқланган Тадбирлар дастурида Адлия вазирлигига ҳам бир қатор вазифалар юклатилди. Хусусан, тадбирлар режасининг 25 та банди ижросида вазирликнинг иштирок этиши, шундан 11 та бандининг ижросига вазирлик бевосита масъул ижрочи этиб белгиланганлиги кўрсатилган. Фармоннинг ижросини амалга ошириш юзасидан Вазирликнинг 2008 йил 6 майда **“Назорат режаси”** ишлаб чиқилиб, ҳозирги кунда тизимли равишда ишлар олиб борилмоқда.

Шуни алоҳида айтиш кераккки, мазкур Фармонга асосан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари фаолияти устидан жамоат назоратини юритишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Фармоннинг 7-бандига асосан Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирликларидаги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлинмалари фаолиятини танқидий таҳлил қилиш ва янада такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш вазифаси юклатилган эди.

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг июнь ва июль ойларида юқорида айтилган идораларнинг мутахассислари томонидан Адлия вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ва ҳудудлардаги бўлимлари фаолияти ўрганилди. Ўрганиш натижаларига кўра, қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам мавжудлиги аниқланди.

Ҳайъат йиғилишида мазкур камчиликларни бартараф этишга қаратиган аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Бундан ташқари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи идоралар билан ҳамкорликни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда кўрсатиб ўтилган вазифалар билан бир қаторда Президент Фармонининг мазмун-моҳиятини кенг халқ оммасига етказиш, бу борада марказий ва маҳаллий ОАВда чиқишларнинг сифат ва мазмундорлигини янада ошириш ҳамда вазирликнинг расмий веб-сайтини (www.minjust.uz) янада такомиллаштириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати**



● *Нигоҳ*

# ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИ

**Давлатимиз раҳбарининг жазони либераллаштириш, ўлим жазосини бекор қилиш, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш ҳақидаги чинакам демократик, инсонпарварликка асосланган фармонлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги муҳим ҳужжатлардан биридир.**

Бугунги ривожланган дунёда инсон ҳуқуқлари бош омилга айланди. Асосий ҳуқуқ ва эркинликларнинг рағбатлантирилиши ҳамда ҳимояланиши, янада муҳимроғи, жамиятда ҳар бир инсон ҳуқуқлари кафолатларининг амалдаги тизимининг ташкил этилиши ҳуқуқий давлат қуришнинг бош шарти ҳисобланади.

Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги **"Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"**ги Фармонида мамлакатимиздаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолияти танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиниши ва мазкур фаолият самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиш муҳим вазифа сифатида белгиланди.

Давлат органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича, инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши кераклиги, давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина ўз вазифасини тўғри адо этган ҳисобланиши, бу қоидани ҳамма тан олиши ва ҳамма итоат этиши шартлиги белгилаб қўйилди.

Мазкур қоидаларга амал қилган ҳолда ўтказилаётган ислоҳотлар жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини белгиловчи ҳуқуқий асослар такомиллаштирилди ва уларнинг ҳуқуқий мақомига бир қатор ўзгартишлар киритилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг шахс, жамият ва давлатнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятини такомиллаштириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг изчил амалга оширилиши инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг муҳим кафолатига айланди. Ўзбекистонда жиноятларнинг таснифланиши тўла ўзгартирилди. Бунда оғир жиноятлар тоифасига кирувчи жиноий хатти-ҳаракатлар рўйхати сезиларли даражада қисқартирилди.

Ўзбекистонда 2008 йилдан ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий Марказ, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, шунингдек, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича махсус тузилган бошқарма ва бўлинмалар инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар бўлиб ҳисобланади ва улар фаол ишламоқда.

Мустақил мамлакатимиз тараққиётининг дастлабки босқичида суд ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг миллий стратегияси белгилаб олинди ва унинг конституциявий асослари яратилди, суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалда тенглигини таъминлаш ва бунинг учун адвокатура институти мавқеини кўтаришга қаратилган тадбирлар амалга оширилди. Иккинчи босқичда мамлакатимизда суд ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий демократик давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепция ҳаётга жорий этилди. Ушбу босқичда концептуал аҳамиятга эга бўлган қатор ишлар амалга оширилди. Улар ичида энг муҳимларидан бири ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши ҳам айнан шу даврга тўғри келди.

Бундан ташқари, бугунги кунда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 февралдаги Ф-112-сонли фармойиши асосида ташкил этилган Адлия вазири раҳбарлигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш ишларини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштириш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ҳолатини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳ фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга қўшилиши ва мамлакат ичида прогрессив демократик янгиланишларнинг амалга оширилиши бугунги кунда инсон ҳуқуқларига янгича ёндашувни, шунингдек, давлат ва инсон муносабатларини янгича тушунишни талаб этади.

Конституциямизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида эътироф этилгани ҳолда уларни амалга оширишнинг самарали механизмини назарда тутса-да, бироқ амалиётда уларни юридик муҳофаза қилиш тартибини янада такомиллаштириш талаб этилади. Мазкур йўналиш борасидаги ислоҳотларни амалга оширишда эса, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси талабларини ўрганиш ва мазкур ҳужжат принципларини миллий қонунчилик тизимига янада кенгроқ жорий қилиш муҳим ўрин тутади.

**Маҳмуд АБДИЖАЛИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими**

60
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ

**Ижтимоий таъминот олиш, ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқлар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ва бошқа кўплаб универсал ҳамда регионал халқаро ҳужжатларда ўз аксини топган.**

● *Муқояса*

# ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ОЛИШ

## ва инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси

Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 25-моддасида: **«Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан, кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматдан фойдаланишига ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра маблағи бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга.**

**Оналик ва болалик алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқини беради. Барча болалар, никоҳда ёки никоҳсиз туғилишидан қатъи назар, бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши керак»,** — дея белгилаб қўйилган. Ушбу қоида инсоннинг ижтимоий таъминот олиш юзасидан асосий ҳуқуқлари стандартини ташкил қилади ва барча цивилизациялашган давлатлар ўз фуқароларига ижтимоий таъминот олиш соҳасидаги ҳуқуқларини тегишли қонун ҳужжатлари билан белгилар экан, ана шу қоидаларга амал қилиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси парламенти ўз фаолияти давомида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига доир уч юздан ортиқ қонунлар қабул қилди ва улар асосида аҳоли ижтимоий ҳимоясига бағишланган махсус қонунлар тизими яратилди. Бу борада **"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"**ги, **"Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"**ги, **"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги, **"Ҳомийлик тўғрисида"**ги, янги таҳрирдаги **"Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида"**ги қонунларни алоҳида қайд этиш лозим.

Президентимизнинг 2007 йил 19 мартдаги **"Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармонида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда аниқ йўналтирилган ва табақалашган ёндашувни янада кучайтириш, кам таъминланган оилаларга зарур моддий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя қилиш муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан зарур ишлар назарда тутилди ва улар ҳозирги пайтда муваффақият билан амалга ошириб келинмоқда.

"Ёшлар йили" Давлат дастурида назарда тутилган ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий вазифалар муваффақият билан амалга ошириб келинар экан, ёшлар жамиятимизнинг келажаги, эртанги кунини белгилаб берувчи воқелик бўлиш билан бир қаторда бугунги кунимиздаги энг қудратли куч эканлиги, бу кучдан жамиятимиз тараққиётини янада жадаллаштириш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларимиз ҳал этилишида самаралироқ фойдаланиш зарурлиги ҳам назарда тутилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майдаги **"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"**ги Фармонида қайд этилганидек: "**Истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича олтмишта ҳужжатга қўшилди, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган 6 та асосий халқаро шартнома қатнашчисига айланди.**

**Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топди**".

Мамлакатимизнинг тараққиёт стратегиясида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этилиши жараёнида халқаро ҳуқуқий тизимларга тобора кўпроқ интеграциялашув, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кенгайтириш, уларнинг кафолатлари кучайтирилишида умуминсоният эътироф қилган принцип ва қадриятларга қатъи амал қилиш энг муҳим вазифалар қаторида назарда тутилган.

Президентимиз таъкидлаганидек: "**...биз ўзимизнинг пировард мақсадимизга эришиш учун замон қандай тез ва шиддат билан ўзгараётганини ҳисобга олган ҳолда воқеликнинг ортида эмас, балки унинг олдида юришимиз, ҳар қандай нохуш ҳаракат ва муаммоларнинг олдини олишимиз, тараққиётимиз ва демократик янгиланиш заминини белгилаб берадиган қонунларни ўз вақтида қабул қилишимиз, уларга ҳаёт тақозо этаётган ўзгартиш ва қўшимчаларни киритишимиз зарурати бугун нечоғлик долзарб эканини англаш, тушуниш қийин эмас**".

**Муборак УСМОНОВА,**
**юридик фанлари доктори**



**Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 17, 22, 23, 25-моддалари мазмунида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқлар белгилаб қўйилган.**

● *Таҳлил*

# ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚЛАР НЕГИЗИ

## *халқаро андазалар ва миллий қонунчилик*

Мазкур Декларацияда бевосита «тадбиркорлик» ибораси қўлланилмаган бўлса-да, унинг 23-моддасидаги меҳнат қилиш ҳуқуқи кенг маънода талқин этилмоғи лозим: у ҳам тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилиш, ҳам ёлланма ходим сифатида меҳнат қилиш маъносини англатади. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишнинг ҳуқуқий асослари Фуқаролик кодекси ва **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги Қонунда белгилаб қўйилган, ходим сифатида ёлланиб ишлашнинг ҳуқуқий асослари эса Меҳнат кодексида ўз ифодасини топган.

Ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти муайян мулкий асосга таянади. Декларациянинг 17-моддасида ҳар бир инсон якка ёхуд биргаликда мулкка эгалик қилишга ҳақли ва ҳеч ким зўравонлик билан ўз мулкидан маҳрум қилиниши мумкин эмаслиги кўрсатилган. Амалдаги қонунларимизда ушбу норма жуда кенг ва чуқур мазмунда акс этган.

Хусусан, Конституциямизнинг 53-моддасида мулк шаклларининг тенглиги ва хусусий мулк тўғрисида, 54-моддасида мулкдор ваколатлари ва уни амалга ошириш шартлари белгилангани бежиз эмас. Фуқаролик кодекси, Жиноят кодекси ва бошқа қонунларда мулк ҳуқуқи мазмуни ва уни ҳар хил тажовузлардан ҳимоя қилиш усуллари мустаҳкамланиб, қонунларимизда мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги ва бошқа қатор кафолатлар келтириб ўтилган.

Декларациянинг 22-моддасида бевосита тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга дахлдор ҳуқуқлар мажмуи, уларни рўёбга чиқариш шартлари ҳақида сўз юритилади. Унинг мазмунига кўра ҳар бир инсон жамият аъзоси сифатида шахснинг эркин ривожланиши учун зарур бўлган иқтисодий соҳалардаги ҳуқуқини миллий саъй-ҳаракатлар ҳамда халқаро ҳамкорлик орқали ва ҳар бир давлатнинг тузилиши, шунингдек, ресурсларига мувофиқ амалга оширишга ҳақли.

Ушбу иқтисодий ҳуқуқлар негизидаги ҳуқуқлардан бири — тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, даромад олиш, даромадларни эркин тасарруф қилиш ҳуқуқи ҳисобланади. Амалдаги қонунчилигимизда Декларациянинг ушбу нормаси амал қилиш механизми **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги Қонун, Солиқ кодекси, Божхона кодекси ва шу каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ифодаланган.

Декларациянинг 23-моддаси 3-бандида ҳар бир ишловчи киши ўзи ва оиласи учун адолатли ва қониқарли даромад олишга, зарур бўлган ижтимоий таъминотнинг бошқа воситалари билан тўлдирилган даромад олишга ҳақли деб кўрсатилган. Мамлакатимизда амал қилаётган қонунларда тадбиркорларнинг бу борадаги имкониятлари янада аниқроқ ва тўлароқ белгилаб қўйилган. Улар тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад олиш ва уни ўз ихтиёрига кўра тасарруф қилиш ҳуқуқига эга, тадбиркорлар белгиланган тартибда ижтимоий суғурта, пенсия фонди тўловларини тўлаб борадилар. Демак, ижтимоий таъминот тизими уларга нисбатан ҳам тўла тааллуқлидир.

**Омонбой ОҚЮЛОВ,**
**юридик фанлари доктори, профессор**

**Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти ҳамда ТДЮИ ҳамкорлигида «Ижро иши юритишни ислоҳ этиш — давр талаби» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

● *Анжуман*

# ИЖРО ТИЗИМИ

## уни янада такомиллаштириш омиллари

Конференция иштирокчилари ижро иши юритишни ислоҳ этиш ижтимоий муносабатлар ривожи даражасига мутаносиб равишда босқичма-босқич олиб борилаётганлигини эътироф этдилар.

Конференция иштирокчилари Президентимизнинг 2006 йил 31 августдаги «**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги ва 2007 йил 1 ноябрдаги **«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги Қарорларида қўйилган вазифаларнинг ижросини тўла таъминлаш ва Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган «**Ижро иши юритиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги Қонун лойиҳасини янада мукаммаллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Анжуманда ижро иши юритиш механизмини такомиллаштириш муаммолари, ижро ҳужжатларини ижро этмаганлик учун жавобгарликни кучайтириш, суд ижрочилари мақомини кўтариш масалалари ва бошқа шу каби мавзуларда сўз юритилди.

Конференцияда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Дилором МАТКАРИМОВА,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

**Инсон ҳуқуқлари инсонлар ўртасидаги ўзаро ҳаракатнинг, турли алоқаларни тартибга солишнинг, улар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг ҳамда низолар, қарама-қаршилик ва зиддиятларни бартараф этишнинг норматив шакли ҳисобланади.**

● *Ёндашув*

# ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА ҲАМОҲАНГ....

Инсон ҳуқуқлари бу жамият, давлат ва шахснинг ўзаро, мувозанатли муносабатларини ҳамда уларнинг бир маромда фаолият олиб боришини таъминлашга қаратилган норматив тамойиллар бўлиб, улар эркинлик, тенглик ва адолатга асосланади.

Конституциямизга инсон ҳуқуқлари ғояси чуқур сингдирилган. Асосий қонунимизнинг иккинчи бўлими фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда бурчларига бағишланган.

Давлатимизнинг инсон ҳуқуқларига бўлган муносабатининг конституциявий кафолати сифатида 13-моддада **«Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади»** деган ўта мазмунли қоида мустаҳкамланган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган.

Маълумки, инсон ҳуқуқлари тизимида инсоннинг шахсий ҳуқуқлари ўзига хос ўрин тутади, чунки бу инсоннинг табиий ҳуқуқлари бўлиб, улар ажралмас ва бўлинмас ҳуқуқлар ҳисобланади. Шахс дахлсизлиги ҳуқуқи муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳуқуқ шахс ҳаётига ҳар қандай, жумладан, давлатнинг ноқонуний, ўринсиз аралашувидан ҳимояланишни англатади.

Конституциямизнинг 25-моддасида **«Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас»** дея, мустаҳкамлаб қўйилган.

Шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг кафолатлари механизмида суд ҳокимиятининг ўрни ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш зарур. Шахснинг эркинлигини чекловчи ҳар қандай хатти-ҳаракат фақатгина суд қарори асосида амалга оширилиши зарур. Шу муносабат билан суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолияти устидан суд назоратини кучайтириш масаласи мамлакатимизда долзарб ҳисобланади ва бу борада бир қанча чора-тадбирларлар амалга оширилди.

Жумладан, Юртбошимиз томонидан эълон қилинган 2008 йил 1 майдаги **"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"**ги Фармони ҳам бунинг ёрқин мисолидир. Бу Фармонда шахснинг яшаш, билим олиш, шахсий дахлсизлик, меҳнат қилиш, сиёсий фаоллик ҳамда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга доир кўпгина чора-тадбирларни амалга ошириш масалалари атрофлича ўз ифодасини топган.

Шу муносабат билан аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий онгини ошириш масаласи бугунги кунда замон талабларига ҳамоҳанг янгича ёндашув, янгича шакл ва услубларни талаб этади.

**Пўлат БАКУНОВ,**
**ТДЮИ ўқитувчиси**

● *Одам савдоси: трансмиллий жиноят*

# «ЁШЛАР ТАҚДИРИГА ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ»

## деди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Акром АЛИМОВ

**Халқаро уюшган жиноий гуруҳларнинг яширин иқтисодий даромад манбаига айланиб, миллион-миллион болалар ва айниқса, ёш хотин-қизлар ҳаётига, соғлиги ва қадр-қимматига зомин бўлаётган «одам савдоси» деб аталмиш манфур жиноят эндиликда Ўзбекистонимиз ҳудудига ҳам ҳамла қила бошлади.**



Шу боис унинг ҳар қандай кўриниши фуқароларимизнинг, айниқса, ёшлар, болалар ва хотин-қизларнинг эртанги тақдирига жиддий таҳдид солишини эътиборга олиб, шу йил 17 апрелда **«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»**ги Қонун ҳамда Президентимизнинг 8 июлдаги **«Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Қарори эълон қилинди.

Қуйидаги суҳбат жойларда, айниқса, ёшлар ўртасида мазкур Қонун ва Қарор ижросини таъминлаш, бу муҳим ҳужжатларнинг ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятини кенг жамоатчиликка чуқурроқ тушунтириб бериш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида бўлди.

**— Акром Маҳкамович, мамлакатимизда ҳар бир ёшнинг илм олиши, эркин меҳнат қилиши ва касб-кор танлаши, шунингдек, хорижий давлатларга бориб, қонуний тартибда тижорат, саёҳат, ўқиш, доимий ёки мавсумий ишлаб келишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бироқ шунга қарамай, айрим йигит-қизларимиз ноқонуний йўллар билан «чет»га чиқиб кетиш ҳоллари учраб турибди. Шундай эмасми?**

— Мамлакатимизда аҳолининг 64 фоизини ташкил этувчи йигит-қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган бўлиб, Давлат дастурлари, ўндан ортиқ қонун ҳужжатлари ва айниқса, ёш оилаларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доир ҳукумат қарорлари қабул қилинган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракати ва бевосита ташаббуси билан қабул қилинган «Ёшлар йили» Давлат дастурига мувофиқ ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган амалдаги қонун ҳужжатларига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилганки, бу ёшларимизнинг янада кенг имкониятларга эга бўлишларига замин ҳозирлайди.

Ҳар бир фуқаронинг хорижий мамлакатларга бориб, тижорат, доимий ёки мавсумий ишларда ишлаб келишлари учун қонуний тартиб-қоидалар мавжуд. Бу тегишли идора ҳамда вазирликлар, жумладан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат масалалари миграцияси агентлиги ва бошқа жамоат ташкилотлари орқали амалга оширилади ва тегишли йўл-йўриқлар, ваколат ва имтиёзлар, зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Бироқ, шунга қарамай айрим ёшларимиз шоҳона қулайликлар, кошона турар-жойларда яшаш ва мўмай пул топиш илинжида ёлғон ва қуруқ ваъдаларга ишониб, хуфёна йўллар билан хорижий давлатларга чиқиб кетиб, «Одам савдоси» деб аталмиш жиноят қурбонига айланиб қолмоқдалар.

Бундай мудҳиш ҳолатларнинг олдини олиш ва пайини қирқиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги 02/13-31-сонли хати ва «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури асосида «Камолот» ёшлар итимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан **«Ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган шахслар томонидан содир этилаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг ортиш ҳолатларини ҳамда фуқароларнинг ўз уйларини ташлаб, узоқ муддатларга чет элга чиқиб кетишларини тартибга солиш ва улар томонидан чет элларда жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган» Ҳаракат Дастури** ишлаб чиқилди.

Мазкур Ҳаракат Дастурига асосан барча ҳудудий Кенгашлар, шаҳар ва туман бўлимларида **«Қулликка рози бўлманг!»** лойиҳаси доирасида қатор тадбирлар, **«Аёл ҳуқуқлари — инсон ҳуқуқлари», «Алданиб қолманг», «Устоз-шогирд», «Шу азиз Ватан барчамизники»** каби мавзуларда тарғибот-ташвиқот, ўқув-семинарлар ва давра суҳбатлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими Кенгашлари томонидан туман марказлари ва қишлоқ фуқаролари йиғинларида **«Фуқароларнинг хавфсизлиги масаласи», «Фуқароларнинг миграциясини тартибга солиш»** мавзуларида давра суҳбатлари ташкил этилди.

Бу давра суҳбатларида вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, туман ИИБнинг Паспорт бўлими, туман Бандликка кўмаклашиш марказлари, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюролари, жўнаб кетишдан олдинги мослашув ва ўқитиш марказларининг масъул ходимлари томонидан йиғилганларга хорижий мамлакатларга бориб-келишлари учун зарур бўлган маълумотлар, қонуний ҳужжатлар тайёрлаш, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентликлари ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюролари орқали шартнома асосида ишга жўнатиш тартиби тўғрисида батафсил тушунтиришлар берилмоқда.

Эндиликда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг таклифи билан Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳамда Ўзбекистон ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаётган жаҳон ҳамжамиятида ишончли шерик ҳисобланган Жанубий Корея, шунингдек, Германия, Канада, Туркия, Голландия, Испания, Италия, Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон ва бошқа давлатлар ўртасида ўзаро **«Ишчи кучи алмашиш», «Аҳоли меҳнатидан фойдаланиш тартиби ва миграция тўғрисида»**ги ҳукуматлараро шартномалар имзолаш йўлга қўйилмоқда.

Аввало, мамлакатимиз Президенти қайси давлатга бормасин, қайси учрашувда бўлмасин, БМТ Бош Ассамблеясининг мажлислари бўладими ёки бошқа халқаро ташкилотларнинг нуфузли йиғинлари бўладими, албатта, Юртбошимиз инсон ҳуқуқларига доир, халқаро терроризм ва диний экстремизм, наркобизнес ва наркотраффик, одам савдоси ва замонавий қуллик каби уюшган трансмиллий жиноятларга қарши курашиш бўйича ўз чиқишларида аниқ лойиҳа ва таклифларини баён этиб келмоқда.

2008 йил 17 апрелда қабул қилинган **«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»**ги Қонун ва Президентимизнинг шу йил 8 июлдаги **«Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Қарори бу йўлдаги саъй-ҳаракатларнинг яна бир амалий исботи бўлди.

**— Акром Маҳкамович, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ва унинг жойлардаги вилоят, шаҳар-туман кенгашлари томонидан ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида мазкур қонун ва қарор ижросини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятини чуқурроқ тушунтириб бериш юзасидан қилинаётган ишлар ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши мазкур Қарорга асосан тузилган Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг доимий фаолият кўрсатувчи таҳлилий ишчи гуруҳи аъзосидир.

Ёшлар ва аёллар ўртасида одам савдосига қарши кураш борасида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида одам савдосининг олдини олиш юзасидан аҳолига, айниқса, ёшларга мунтазам равишда маълумотлар бериб бориш учун Марказий Кенгаш қошидаги Ишчи гуруҳи ҳузурида +99871-150-22-62 рақамли «Ишонч телефони» ташкил этилган. «Ишонч телефони» орқали ёшларни қизиқтирган барча саволларга мутахассислар томонидан асослантирилган жавоблар бериб борилмоқда. Бундай «Ишонч телефон»лари ҳар бир вилоятда фаолият кўрсатаётган ишчи гуруҳлари қошида ҳам ташкил этилган. Жойларда аҳоли ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказилиб, хорижга кетган фуқаролар, хусусан, ёшлар тўғрисида реал аҳвол аниқланиб, натижасига кўра тегишли идоралар билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Шунингдек, Президентимизнинг мазкур Қарори билан тасдиқланган «**2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш, бўйича Миллий тадбирлар режаси**» асосида ёшларнинг ноқонуний йўллар билан хорижий давлатларга чиқиб кетишларининг олдини олишга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, маҳаллаларда ва ўқув муассасаларида, меҳнат жамоаларида **«Алданиб қолманг», «Ўз ҳуқуқингизни биласизми?», «Нега хорижга кетмоқчисиз?!»** каби мавзуларда профилактик-огоҳлантирувчи тарғибот-ташвиқот тадбирлари, юқорида таъкидлаганимиздек, соҳа мутахассислари ва мазкур жиноят «қурбонлари» иштирокида амалий суҳбат ва учрашувлар ташкил этилмоқда.

Ишсизликнинг олдини олиш ва ёшларни ишга жойлаштириш мақсадида «Камолот» ЁИҲ Фарғона вилояти бўлими ҳамда



ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда шу йил август ойида ташкил этилган **«Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркалари»**да жами 961 нафар ёш ишга жойлаштирилган бўлса, Тошкент шаҳридаги касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртлари ҳудудларига яқин жойлашган корхоналарни жалб қилган ҳолда ўтказилган меҳнат ярмаркаларида эса Сирғали туманида 929 нафар, Учтепа туманида 346 нафар битирувчи ёшлар иш билан таъминландилар. Жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида республика миқёсида жами 18 146 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

«Камолот» ЁИҲ қошида ишлаб турган 80 дан зиёд «**Ёшлар ижтимоий хизматлар марказлари**»да ташкил этилган бичиш-тикиш, пазандачилик, зардўзлик, қандолатчилик, косибчилик, ҳунармандчилик ва дизайнерлик каби 245 йўналишдаги тўгаракларга 334 нафар мутахассис бириктирилган бўлиб, мазкур тўгаракларда 2007 йил 51 696 нафар ёш ўқитилган бўлса, 2008 йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида 32 485 нафар йигит-қиз ўқитилди. Шунингдек, бу тўгаракларда касб ўрганган 2 мингдан зиёд хотин-қизга кичик тадбиркорлик фаолиятларини ташкил этишлари ҳамда ўз бизнесларини бошлашлари учун банклардан кредитлар олишларига ҳам кўмак берилди.

Талаба ёшларни мавсумий иш билан таъминлаш, бўш вақтларини фойдали меҳнатга жалб қилиш ҳамда ўз меҳнати билан ишлаб пул топишларига имкон яратиш мақсадида «Талабалар меҳнат отрядлари» ташкил этилди. Агар 2007 йилда мазкур лойиҳага 12 минг талаба жалб этилган бўлса, бу йил 20 минг йигит-қиз 600 дан ортиқ йирик объект ва иншоотларда — магистрал ва темир йўллар, кўприк ва тонеллар, касб-ҳунар коллежлари ва мактаблар, ёш оилалар ва аҳоли учун турар-жой бинолари қурилишларида фаол қатнашдилар.

Ўтказилаётган ўнлаб бундай тадбирлардан ягона мақсад — ёшлар ўртасида ишсизлик, жиноятчилик, ноқонуний йўллар билан хорижий давлатларга чиқиб кетиб, «Одам савдоси» деб аталмиш жиноятнинг қурбонига айланиб қолишларининг олдини олишдир. Чунки ёшларимиз тақдирига ҳар биримиз масъулмиз!

**Суҳбатдош:**
**С. СИРОЖИДДИНОВ**



### ШАХС ОЗОДЛИГИ ВА ҚАДРИ

**Бухоро вилояти ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармасида вилоят адлия бошқармаси ходимлари томонидан Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг мазмун-моҳиятига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида вилоят ва шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари иштирок этди.**

Сўзга чиққанлар амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад-жамиятимизда ижтимоий хавфли бўлган жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, айбдорларни фош этиш, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қиммати унинг шахсий ҳуқуқ ва эркинлиги бўлиб, улар дахлсиз эканлиги тўғрисида алоҳида тўхталдилар.

Тадбир иштирокчилари мазкур масала юзасидан савол-жавоб тариқасида мулоқот ўтказишди.

**Маҳфуза НОРОВА,**
**Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими**

### ЖАМОАТЧИЛИК ИШИ

**Бугун «одам савдоси» дея аталмиш иллат энг оғриқли муаммога айлангани ҳеч кимга сир эмас. Албатта, бу ўз-ўзидан юзага келмаган. Бунга баъзи виждони ва иймонини унутган кимсаларнинг хатти-ҳаракатлари, қолаверса, уларнинг ёлғон ваъдаларига осонгина лаққа тушаётган фуқароларнинг сўраб-суриштирмай иш тутишлари сабаб бўлмоқда. Шундай экан, одам савдосига қарши курашишда ҳар биримиз фаол иштирок этмоғимиз лозим.**

Фарғона туманидаги Водил қишлоқ фуқаролар йиғинида «**Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида**»ги Қонун ва Президентимизнинг «**Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги Қарори мазмун-моҳиятига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида ана шулар ҳақида сўз борди. Судлар департаментининг Фарғона тумани бўлими томонидан ташкил қилинган бундай тадбир Чимён ва Хонқиз қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда тумандаги 4 та касб-ҳунар коллежларида ҳам ўтказилди.

**Жамшид БОЗОРОВ,**
**Суд департаментининг Фарғона ытумани бўлими катта суд ижрочиси**

● *Қонун моҳияти*

# ЯНГИ ТАҲРИРДА

## янги қоидалар ўз аксини топди

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Бундан ташқари, **«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги эски таҳрирдаги Қонунга нисбатан янги таҳрирдаги Қонунда ногиронларни тиббий, касбий ва ижтимоий реабилитация қилишга қаратилган чора-тадбирлар янада аниқроқ чегаралаб берилмоқда, «ногиронларни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури» тушунчасининг мазмуни очиб берилган. Хусусан, янги Қонунда реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури ногирон учун тавсия хусусиятига эгалиги, ногирон реабилитация чора-тадбирларининг у ёки бу турини, шаклини ёки ҳажмини, шунингдек, дастурнинг бутунлай амалга оширилишини рад этиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Қонуннинг 4-боби **«Ногиронларнинг таълими ва уларни касбга тайёрлаш»** деб номланиб, у ногиронлар таълим (умумий ўрта, ўрта махсус таълим, касб-ҳунар таълими ва олий таълим) олиши, уларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларига, ногирон болаларнинг мактабгача ва мактабдан ташқари таълими, шунингдек, оиладаги таълими ва шу каби бошқа масалаларга бағишланган саккиз моддадан иборат. Киритилаётган ўзгартишларда эскириб қолган атамаларни **«Таълим тўғрисида»**ги Қонунда қўлланилган атамалар билан алмаштириш назарда тутилган.

Қонуннинг **«Ногиронлар меҳнати»** деб номланган 5-бобида **«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги эски таҳрирдаги Қонуннинг ногиронлар меҳнат шароитини белгилашга, ногиронларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш ва ногиронларни иш билан таъминлаш масалаларига доир қоидалари сақлаб қолинган.

Эски Қонунда ногиронлар учун иш жойларини банд қилиб қўйишни таъминламаган ёки уларни ишга жойлаштиришдан бўйин товлаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ногиронларни ишга жойлаштириш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш тарзида жавобгарлик белгиланган эди. Янги таҳрирдаги Қонунда ногиронларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам сонини яратиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ижро этмаганлик учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг жавобгарлик тури аниқлаштириб қўйилди.

Шунингдек, Қонунда ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ногиронларнинг жамоат бирлашмалари ва бошқа якунловчи қоидаларга бағишланган боблари мавжуд бўлиб, уларда ҳам мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган янги қоидалар ўз аксини топган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ногиронларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш улар учун мамлакатимизнинг бошқа барча фуқаролари билан тенг имкониятларни таъминлаш демакдир. Ногиронларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришлари, жамиятнинг барча жабҳаларида фаол қатнашишлари, бунинг учун уларга давлатимиз томонидан қулай ҳуқуқий шарт-шароит яратиб бериш ушбу Қонунда мустаҳкамлаб қўйилган.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари**

● *Айём олдидан*

# ТАЪЗИМ

***Ҳақ йўлинда ким санга бир ҳарф ўқутмуш ранж ила,***
***Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.***

**Алишер Навоий**

**Файласуфлардан бири ота-она болани осмондан ерга туширса, устозлар эса фарзандни ердан осмонга кўтаришади, деб бежизга айтишмаган.**

Дарҳақиқат, устозларга қанча таъзим этсак, шунча оз. Сабаб, умримизнинг энг беғубор онлари улар иштирокида, кўз остида ўтказамиз. Ахир, улар эмасми, бизни биринчи бора мактаб остонасига олиб кириб, қўлимизга қалам тутқазиб, дунё сирларини ўргатган. Ахир, улар эмасми, бизнинг инжиқликларимизга чидаб, яхши билим олишимиз учун ўзларини ўққа- чўққа урган. Албатта, бундай машаққатли меҳнат ҳамиша қадрланиши ва эъзозланиши лозим.

Дадамнинг айтишича, юртимизда қадим-қадимдан устозга нисбатан меҳрли, оқибатли, мурувватли бўлиб келишган. Устозлар ота қаторида улуғланиб, ҳурматлари ҳамиша жойига қўйилган экан. Мазкур анъана давом этиб, йиллар давомида қадр-қимматини йўқотмай келаётгани эса биз ёшларга ҳам ғурур бағишлайди.

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз томонидан ҳалқимизнинг бу юксак фазилати, устозларга



бўлган ҳурмат, эҳтиром қонунан мустаҳкамланиб, 1 октябрь кунининг Ўқитувчилар ва мураббийлар куни деб эълон қилиниши нур устига аъло нур бўлди.

Шу боис, ҳар йили бу кунни интизорлик билан кутаман, устозларимга қалбимдаги илиқ тилакларимни қандай изҳор этсам, уларни бир дақиқага бўлса-да, дилдан севинишларини жуда-жуда ҳоҳлайман. Устозимнинг олдида ҳаяжонланганимдан барча дил сўзларимни баён эта олмаган эдим. Менинг ва мен қатори барча ўқувчиларингизнинг камол топиб, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, илғор кишилар қаторидан муносиб жой олишимиз учун Сизнинг ўгитларингиз, панду насиҳатларингиз бизга ҳамиша дастуриламал бўлади, азиз устозлар!

**Гўзал ЭРГАШЕВА,**
**Мирободтуманидаги 110-мактабнинг 8-синф ўқувчиси**

**Мазкур саҳифа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари юзасидан ҳамкорлик қилиш тўғрисида имзоланган Меморандум асосида Самарқанд вилояти прокуратураси фаолияти бўйича тайёрланди.**

**Мамлакатимизда кенг кўламда амалга оширилаётган ислоҳотларни рўёбга чиқариш мақсадида Самарқанд вилоят прокуратураси ходимлари ҳам қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида бир қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда.**

# МУҚАДДАС БУРЧ

Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «**Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги Фармонининг мазмун-моҳиятини тўғри англаган ҳолда унинг ижросига жиддий ёндашилди. Натижада жорий йилнинг 1-ярмида вилоятда режалаштирилган 5530 та ўрнига 6282 та янги иш ўрни яратилиб, дастур ижроси 113,6 фоизга бажарилди. Бу борада 1168 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди ва қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 10 та жиноят иши қўзғатилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, моддий-техника базасини мунтазам янгилаб, кучайтириб бориш, янги замонавий бинолар билан таъминлаш ва бошқа бир қатор хайрли ишлар доимий равишда амалга оширилмоқдаки, бу давлатимизнинг ўз фуқаролари соғлигига жиддий эътибор қаратаётганлигидан дарак беради. Бироқ, айрим кимсалар фуқароларнинг соғлиғини сақлашга ажратилаётган бюджет маблағларини талон-торож қилиш, ундан ўзларининг ғаразли мақсадларида фойдаланишдан ҳазар қилмаяптилар. Самарқанд шаҳридаги А.Жалолов номли вилоят силга қарши курашиш шифохонаси бош ҳисобчиси Х.Бўриев ва унинг шериклари расмий ҳужжатларга сохта ёзувлар киритиб, қалбакилаштириб, банкдан 34 ҳолатда иш ҳақи учун олинган 21 миллион сўм накд пулларни талон-торож қилишган. Албатта, бу қилмишлари учун Х.Бўриев ва унинг ҳамтовоқлари қонун олдида жавоб беришди.

Шунингдек, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳуқуқий ҳимоялаш, фаолиятларига ноқонуний аралашувлар ва ҳар хил тазйиқлар ҳамда турли суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш ҳамиша прокуратура органларининг диққат марказида. Шаҳар ва туман прокуратураларида тадбиркорлар хоналари ташкил этилиб, уларни мунтазам равишда қабул қилиш йўлга қўйилган. Тадбиркорларга қабул қилинаётган Фармон ва қарорлар моҳиятини кенг тушунтириш, уларнинг ижросини амалга ошириш давомида вужудга келадиган муаммоларни муҳокама қилиш, бартараф этиш мақсадида семинарлар, учрашувлар, давра суҳбатлари доимий равишда ўтказиб борилмоқда.

Кўрилган чораларга қарамасдан, айрим назорат-текширув идоралари масъул ходимлари тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашиб, текширишлар ўтказаётгани аён бўлди. Мисол учун, Ургут тумани Давлат солиқ инспекцияси ходими И.Жўрақулов мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, тумандаги «Муҳаммад Бекзод» хусусий ишлаб чиқариш фирмасида ўтказилган қисқа муддатли текширишда ҳужжатларни сохталаштириб, фирмага нисбатан 466 минг сўм молиявий жарима қўллаган бўлса-да, фирмадан яна 1,5 миллион сўм ундириш тўғрисида вилоят хўжалик судига қонунсиз даъво ариза киритган. Вилоят прокуратураси томонидан унга нисбатан Жиноят кодексининг 205-моддаси, 1-қисми ва 209-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, иқтисодиётда хусусий мулкчиликни кучайтиришга оид қонунлар ижроси устидан прокурор назорати кучайтирилди. Вилоятда режадаги 14 та ўрнига 16 та корхона ва объект хусусийлаштирилиб, 2 миллиард 247,8 сўм маблағ тушуми таъминланди.

Кўрсаткичлар яхши, аммо айрим мансабдор шахслар қўпол қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйгани ачинарлидир.

Масалан, Каттақўрғон шаҳар собиқ ҳокими Д.Матқулов ва бошқалар мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, ҳокимлик тасарруфида бўлган 47,9 миллион сўмлик «Байдарка ва Каноэ» спорт базасини 2007 йил 21 майдаги 357-Қ-сонли Қарори билан «Шаҳбоз-92» хусусий корхонасига бириктириб бериб, 2007 йил 8 июндаги 403-Қ-сонли қарори билан ноқонуний равишда тўловсиз эгалик ҳуқуқи ва ер майдонини доимий фойдаланишга бериб, давлат мулкини жуда кўп миқдорда талон-торож қилишган. Вилоят прокуратураси томонидан собиқ шаҳар ҳокими ва бир гуруҳ мансабдор шахслар Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жавобгарликка тортилди.

Юқорида келтириб ўтилган фактлар фаолиятимизнинг айрим қирралари, холос. Аслида, жорий йилнинг 1-ярмида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида 307 та текшириш ўтказилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳақида тегишли идораларга 798 та тақдимнома киритилди. Идоралар ва мансабдор шахсларнинг қонунга зид бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларига 912 та протест келтирилди. 1060 нафар мансабдор шахслар қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида ёзма равишда огоҳлантирилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 193 та жиноят ишлари қўзғатилди. Айбдор шахслардан 658,9 миллион сўмлик зарар ихтиёрий равишда ундирилди. Фуқаролик ва хўжалик судларига зарарларни ундириш бўйича жами 4.912.102.000 сўмлик 4662 та даъво аризаси киритилди.

Умуман, қонун устуворлигини таъминлаш жамият тараққиётининг бош омилидир. Унга хизмат қилиш, улкан ҳисса қўшиш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Облақул АЗИМОВ,**
**вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси**

# ЁЛҒОН МУРОЖААТ

## *учун қонунларимизда жавобгарлик белгиланган*

**Эркин фуқаролик жамияти қуришда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражаси жуда муҳим ўрин тутади. Ҳар бир киши ўзининг ҳақ-ҳуқуқини яхши англаган ҳолда ҳаёт кечириши, иш юритиши талаб этилади. Жамиятдан ўзининг ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиши билан бирга, бурч ва масъулиятини ҳам унутмаслиги лозим, шунингдек, ўзганинг ҳақ-ҳуқуқини поймол қилмаслиги керак. Модомики, ҳуқуқбузарликка йўл қўйилар экан, ҳеч бир виждонли киши бунга шунчаки қараб турмайди. Тегишли органларга мурожаат қилиб, ҳақиқат қарор топишини истайди.**

Одатда адолат излаган инсон тегишли идорага мурожаат этиб, муроди ҳосил бўлмагач, ишонч билан прокуратурага мурожаат қилади. Одамлардаги ана шу ишончнинг ўзи бу даргоҳда ишлаётганларга катта масъулият юклайди. Туман прокуратурасида фуқароларни қабул қилиш ва уларнинг мурожаатлари билан ишлаш «**Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида**»ги Қонун ҳамда республика Бош прокурорининг 2004 йил 9 декабрдаги «**Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида**»ги буйруғи талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган.

Йилнинг ўтган даврида фуқаролардан турли масалалар бўйича 129 та ариза ва шикоят келиб тушди. Бу рақам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мурожаатлар сони камайганлигини кўрсатади. Аризаларнинг 66 таси тегишлилиги бўйича ҳал қилишлик учун бошқа идораларга юборилди. 10 таси жиноят иши ва материалларга қўшилди, 46 таси бевосита туман прокуратураси ходимлари томонидан текширилиб ҳал этилди, шундан 12 таси қаноатлантирилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, фуқаролар томонидан асоси йўқ, туҳмат ва ёлғондан иборат шикоятлар ҳам келиб тушмоқда. Бу салбий ҳолатнинг олдини олиш мақсадида асоссиз шикоят ёзган фуқароларнинг жавобгарлик масаласини ҳал этиш ва текшириш учун кетган харажатларни судга даъво аризалари киритиш йўли билан ундириш чоралари кўрилмоқда.

Хусусан, 26 май куни Авулов Соҳибназар туман прокуратурасига ариза билан мурожаат қилиб, туман ИИБ ХООБ профилактика нозири Субҳонқулов Комил Равонак маҳалласида жойлашган ўз хизмат хонасида унинг юзига ва пешонасига қўли билан уриб, тан жароҳати етказганлигини, 85000 сўм жарима тўлашни талаб қилиб, 13000 сўм пулини олиб қўйганлигини ва ҳақорат қилганлигини баён этган. Текширув давомида аризачининг важлари ўз тасдиғини топмади, унинг туҳмат қилгани аниқланди. Ҳолат юзасидан С.Авуловга нисбатан МЖтКнинг 40-моддасига асосан жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, суд орқали жаримага тортилди.

Ҳар бир ариза ортида инсон тақдири бор. Ҳар бир мурожаатни ўрганиш натижасида қонунбузилиш ҳолати бартараф этилади, давлат ва жамият манфаатига етказиладиган зарарнинг олди олинади.

**Олимжон МИРЗАЕВ,**
**Самарқанд тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси**





**Суратларда:** вилоят прокуратураси ходимлари фаолиятидан лавҳалар.

**Инсон бурч ва масъулият билан туғилади. Ана шу бурч ва масъулият унинг ҳақ-ҳуқуқини таъминлайди. Қандай жамиятда яшамайлик шу жамиятнинг, давлатнинг, қонунларини ҳурмат қилиш, унинг остонасини ёт қадамлардан асраш, унга нисбатан ноҳақликларга йўл қўймаслик барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.**

# АРЗОННИНГ ШЎРВАСИ ТАТИМАС




Шерқўзи Тўйчиев асли фарғоналик. Анчадан буён Фарғона вилояти, Бешариқ тумани деҳқон бозорида назоратчи вазифасида ишлаб келади. Шунингдек, автомашина олиб сотиш билан шуғулланади. Шу боис танишбилиши кўп. Бир куни Тожикистон фуқароси бўлган, ўзини Воҳид деб таништирган йигит Шерқўзига «ажойиб» таклиф айтди. Аммо, тергов давомида «Воҳид»нинг шахсини аниқлаш имкони бўлмади.

— Сизларда машина қиммат экан, мана бизда «Нексия»лар арзон. Хоҳласангиз 3000 АҚШ долларига олиб келаман, — деди «Воҳид». — Чегарадан ҳам ўзим ўтказиб бераман. Лекин ҳужжатлари йўқ ҳисоб. Кейин ўзингиз тўғрилаб оларсиз... Шунинг учун арзонга сотаман.

Бу «ғоя» Шерқўзига маъқул тушди. Хуллас, улар ўзаро жиноий тил бириктириб, машинани чегарадан айланма йўллар орқали ҳеч қандай текширувсиз ўтказишга келишишди. «Воҳид» Бешариқ туманининг «Андархон» қишлоғи ҳудуди орқали ҳеч қандай божхона расмийлаштирувларисиз, божхона назоратини четлаб, яширин равишда машинани ўтказиб берди. Шерқўзи эса 1996 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли автомашинани «сув текин»га сотиб олди. Бироқ, унинг қувончи узоққа чўзилмади, ҳужжат тўғрилаш у ўйлаганчалик осон иш эмас экан. Ялинмаган таниши, пул таклиф қилмаган идораси, бош урмаган остонаси қолмади. Йўқни йўндираман, деган не-не азаматларнинг қўлидан иш келмади.

Шундан кейин Шерқўзи харидор излаб йўлга чиқди. Энди у бу «дардисар» машинани кимгадир сотишни мўлжаллади. Излаб-излаб ана шундай «валломат»ни Пастдарғомдан топди. Толмас исмли уста йигит унинг ҳожатини чиқарди. У машинани 4000 АҚШ долларига сотиб олди. Лекин Шерқўзи унга ҳужжат тўғрилаб беришга ваъда қилди. Бироқ сўзида турмади...

Толмас ўзининг «Жигули»сига тегишли давлат рақамини «Нексия»га тақиб йўлга чиқувди ҳамки, ЙҲХ ходимлари уни тўхтатишди. Аниқки, ҳайдовчи автомашина ҳужжатларини такдим қила олмади. Хуллас, қинғир ишнинг қийиғи чиқди. Шерқўзи Тўйчиевнинг даромад илинжида бошлаган иши ўн баравар буромад бўлиб бурнидан чиқди. Унинг давлат бюджетига тўлаши лозим бўлган 11 миллион 486 минг 322 сўмлик божхона тўловидан қасддан бўйин товлаб, уюштирган найранглари фош этилди. Суд ҳукмига кўра Ш.Тўйчиевга қилмишига яраша жазо белгиланди.

**Бобур ОБЛОҚУЛОВ,**
**Пастдарғом тумани прокурори ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси**

# ЧУВИ ЧИҚҚАН «ТАДБИРКОР»

**Ҳали ёш бўлишига қарамасдан, Аслиддин фирибгарликнинг сир-асрорини ўрганди. Яъни, иши тушган кишига ҳар қандай йўл билан — керак бўлса кўз ёш тўкиб, керак бўлса тиз чўкиб бўлса ҳам унинг кўнглида раҳм-шафқат уйғотиб, ўз ишини битказиб олиш маҳоратини ўзлаштирди.**

Бироқ халқимизда кўза кунда эмас, кунида синади деган нақл бор. Хуллас, Аслиддиннинг навбатдаги фирибгарлик иши фош бўлиб, унинг чуви чиқди.

Хўш, бу найрангбоз қандай қилиб тўрга илинганлиги билан қизиқаяпсизми? Марҳамат, эшитинг.

Галдаги фирибгарлик йўли қуйидагича бўлди. Аслиддин ўзи бошлиқ «Жавлон Ҳамро» хусусий корхонасини гаровга қўйиб, ёлғон маълумотлар тайёрлаб, яъни хусусий фирмада 189,0 миллион сўм товар айланмаси мавжудлиги, 6,2 миллион сўм соф фойда борлиги ҳақида сохта маълумот тайёрлади. Каттақўрғон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ушбу маълумотни қабул қилганлигини тасдиқловчи бурчак тамғаси ва қабул қилувчи шаҳар ДСИнинг масъул ходими имзосини қалбакилаштириб, бу ҳам етмагандек, «Жавлон Ҳамро» хусусий корхонасига қарашли савдо дўконида назорат касса машинаси ДСИда рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотномани тасдиқлаганлиги ҳақидаги Каттақўрғон шаҳар Давлат нотариусининг муҳр ва штамплари ҳамда масъул ходимнинг имзосини сохталаштириб, ушбу қалбаки ҳужжатлар билан Миллий банкнинг Каттақўрғон шаҳар филиалидан 20 миллион сўм қисқа муддатли кредит қарзи олиш мақсадида ҳужжат топширганда унинг найранги фош бўлди. Миллий банкнинг масъул ходимлари томонидан текшириб кўрилганда, ушбу ҳужжатлар қалбаки эканлиги аниқланди.

Албатта, найрангбоз Аслиддин Тўхтаев қилмишига яраша жазо олди. Бироқ, масаланинг бошқа томони кишини ўйлантиради. Нега айрим тоифадаги кишилар ҳаётда белгиланган қонун-қоида, тартиб-интизом, борлигини ҳисобга олмай, алдаш йўли билан яшаб, тегишли қонунларга чап бериб, уни четлаб ўтишга ҳаракат қиладилар? Ахир, ҳолва деган билан оғиз чучимайди-ку. Кредит олишнинг ҳам белгиланган тартиб-қоидалари бор. Кредитни фириб, найранг йўллар, билан оламан, деган кимсалар чучварани хом санашади. Бу борада ҳийла ишлатаман, найранг қиламан, фирибгарлик йўлини тутаман деганлар, шубҳасиз қонун олдида жавоб берадилар.

**Маҳкам ҲАМИДОВ,**
**Каттақўрғон шаҳар прокурори,**

**Собир ТЕМИРОВ,**
**шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси**

**Одатда «эр-хотиннинг уриши, дока рўмолнинг қуриши», дейишади. Афсуски, биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеада дока рўмол қуримади.**

# ДОКА ҚУРИМАДИ

Ҳамма жанжал Зилоланинг Самарқанд шаҳридаги «Парвина» қаҳвахонасига идиш-товоқ ювувчи бўлиб ишга кирганидан сўнг бошланди. Шундоғам Содиқ маст бўлиб келиб, хотини билан тез-тез жанжаллашиб турарди. Баъзида Зилола эридан қўрқиб қўшниларникида тонг оттирарди. Хотинининг ишга кириши унинг рашкини янада қўзғатиб юборди.

Чунки у Зилоланинг ишлашига бутунлай қарши эди. Шунинг учун ҳам хотини билан ҳар жанжаллашганида: «Ишингни йиғиштир. Болаларингга қараб, уйда ўтирсанг бўлмайдими? Ишлама, ўзим сени боқаман», дерди. Аммо Зилола эрининг гапларига қулоқ солмас, ҳар куни ишга кетарди. Баъзида у ишдан жуда кеч қайтар, бу эса Содиққа сира ҳам ёқмасди. Ҳар сафар хотинининг кеч келиши навбатдаги жанжалга сабаб бўларди.

2007 йилнинг февраль ойи бошларида Содиқ Зилоланинг бошига уриб жароҳат етказди. У аразлаб акасиникига кетиб қолди. Болалари ота билан қолишди. Акаси синглисининг оиласи бузилиб кетмаслиги учун уни яна уйига қайтариб юборди.

Зилола эрининг қаршилигига қарамай, ишидан қолмади. Баъзан уйига келмай қоладиган одат ҳам чиқарди. У ҳар сафар турли баҳоналар тўқир, аммо Содиқ Зилоланинг гапларига ишонмасди. 2007 йилнинг 6 февраль куни кечқурун Содиқ маст эди. Содиқ хотинини кимдандир рашк қилиб, у билан бироз тортишди. Болалари олдида бироз иймандй шекилли, хотинини етаклаб ташқарига олиб чиқиб кетди.

Содиқ ўша куни кечқурун хотинини уйининг ёнбошига олиб чиқиб, кўксига пичоқ урди. Эр-хотин ўртасида нима гап-сўз бўлгани ёлғиз Аллоҳга аён. Ғазабидан тушган эр ўзига келганида қўлида қонга бўялган пичоқ турарди. Шундан сўнг Содиқ қўшнисиникига чиқиб: «Хотинимни касалхонага олиб борсангиз...» дедию, югуриб кетди. Қўшниси унинг гапидан ҳангу манг бўлиб турганида, Содиқ яна бир аҳмоқликка қўл уриб, ўз томирларини кесаётганди...

Хуллас, қўшнилар уйининг ёнидан Зилоланинг жасадини, маккажўхоризор ичидан Содиқни беҳуш ҳолда топишди.

Суд Содиқ Сувонқуловни 16 йилга озодликдан маҳрум қилди.

Эр-хотин ўртасидаги арзимаган жанжал оғир фожиа билан хотима топди. Вояга етмаган 3 нафар фарзанд онасидан айрилиб қолди.

Ичкиликка ружу қўйган одам охир-оқибат ўз ҳаётига зомин бўлади. Буни юқоридаги мисол ҳам исботлаб турибди. Агар у ичкиликка берилмасдан ўз оиласига таянч бўлолганида, умрини панжара ортида ўтказмаган бўларди...

Афсус...

**Раҳматилла ИСОҚОВ,**
**Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи, адлия маслаҳатчиси**

*Саҳифа материалларини Самарқанд вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси Исматилла ЙЎЛДОШЕВ ва газетанинг вилоят бўйича мухбири Азим ҚОДИРОВ тайёрлади.*

*"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясида ўтказилган тадбир янги самолётнинг тақдимотига бағишланди. Ушбу тақдимот маросимида жами 28 та авиакомпания, жумладан, "Korean Air", "Asiana Airlines", "China Southern Airlines", "Malaysian Airlines", "Iran Air", "Turkish Airlines", "Домодедовские авиалинии", "Сибирь-S7", "ГТК Россия", "Самара", "Дальавиа" ва бошқа қўмита ҳамда бирлашма вакиллари, шунингдек, мамлакатимиз ва хорижий ОАВ ходимлари иштирок этишди.*

● *Ғурур*

# ЯНГИ ҲАВО КЕМАСИ

***Яқинда янги модификациядаги "Ил-114-100" самолёти Тошкент — Қарши — Тошкент йўналиши бўйлаб парвоз қилди.***

Тақдимотда янги самолёт русумининг қулайликлари ва имкониятлари ҳақида фикрлар билдирилди. Масалан, 2003 йилдан буён мамлакатимиз осмонида парвоз қилаётган "Ил-114-100" русумли самолётнинг бугунги қиёфаси олдингисидан кескин фарқ қилади. Янги авиалайнер замонавий авиация ташувлари бозорининг барча талабларига жавоб беради ва рақобатлаша олади. Айниқса, авиаёнилғи нархлари ошиб бораётган бир даврда ушбу самолётнинг ёнилғи сарфлашдаги тежамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Янги самолёт нафақат тузилиши жиҳатидан, балки барча авионика тизимининг янгича услубда эканлиги билан ҳам фарқ қилади. Энг асосийси, ушбу ҳаво кемаси "Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" ДАЖда йиғилган ва ҳар томонлама қулай ҳаво лайнери батамом замонавий услубда ишлаб чиқарилган. Самолёт Россияда ишлаб чиқарилган энг янги ускуналар, "ROCKWEL Colins" (АҚШ) фирмасининг замонавий авионикаси, "Pratt and Whitney Canada" (PWC) фирмасининг авиадвигателлари, "Hamilton Sundstrans" (АҚШ) фирмасининг ҳаво винтлари ва "Honeywell" фирмасининг ёрдамчи куч қурилмаси билан жиҳозланган. Шунингдек, экипаж кабинаси тузилишига, бошқариш пультлари жойлашишига ўзгартиришлар киритилган. Янги авиалайнернинг олдингиларидан ихчам ва енгилроқлиги самолёт салони радио бўлмасида қўшимча майдон бўшатиш имконини берди. Бўшаган майдондан йўловчилар учун гардероб сифатида фойдаланилмоқда.

Янги ускуна ўрнатилиши билан самолётнинг вазни 430 килограммга енгиллашди, бу эса учиш масофасини узайтиради. Янги ҳаво лайнери 52 нафар йўловчига мўлжалланган бўлиб, уларнинг парвоздаги хавфсизликлари тўлиқ таъминланган. Яқин вақт ичида ҳаво кемаси "қўшимча" сертификациядан ўтиб, ICAOнинг камида иккинчи категорияси бўйича парвозларни бажаришни бошлайди.

— Бугунги кунда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси паркида 8 та "Ил-114-100" русумли ҳаво кемаси мавжуд бўлиб, қисқа вақт мобайнида уларнинг сони кўпайтирилади, — дейди "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси директори В.Тян. — Шунингдек, барча қулайликларга эга, замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқилган ва энг асосийси, парвознинг бехатарлиги таъминланган бу ҳаво кемаси қурилиш ишларига сарфланган сарф-харажат миқдорини икки йилда оқлайди, — деб фикр билдирди авиакомпания директорининг биринчи ўринбосари Э.Полвонов. [t]

**Дилфуза ЭРГАШЕВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**







**«Асака» банкининг Тошкент шаҳар филиали, 10 йилдан ошдики, молия хизматлари бозорида ўз мавқеини мустаҳкам сақлаб келмоқда. Филиал ўз ваколатлари доирасида мижозларга барча турдаги банк хизматларини, жумладан, ҳисоб-касса хизматлари, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш, лизинг амалиётлари каби хизматларни кўрсатмоқда. Аҳолидан ва юридик шахслардан жалб этилган маблағларни иқтисодиётнинг реал секторига самарали равишда йўналтириб, банк бу маблағларни омонатчиларнинг, мижозлар ва акциядорларнинг манфаатларига мос равишда кўпайтириб боряпти.**




● *Банк хизмати*

# ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

2008 йилнинг 8 ойлик натижаларига кўра, филиалнинг активлари йил бошидагига нисбатан **19,9** фоизга ўсди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жорий йилнинг 8 ойи мобайнида 2,1 марта кўпроқ даромад, 1,9 марта кўпроқ фойда олинди. Жорий йилда филиалнинг кредит йиғма жилди **55,1** фоизга ўсиб, 21,1 миллиард сўмни ташкил килди.

Миллий ва хорижий валютадаги **аҳоли омонатларининг қолдиғи** йил бошидагига нисбатан 1,8 марта ўсди. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 сентябрдаги «**Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида**»ги қарорига мувофиқ омонатларни кафолатлаш жамғармасига **334,5** миллион сўм, шу жумладан, жорий йил давомида қўшимча равишда **85,8** миллион сўм маблағлар киритилди.

2008 йилнинг 8 ойи ичида **5801** дона пластик карточкалари тарқатилди ва 1 сентябрь ҳолатига уларнинг умумий миқдори **20690** донани ташкил этди. Ўтган 8 ой давомида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ижарага ўрнатилган савдо терминалларининг сони **176** тага етказилди. Савдо терминаллари орқали пул маблағларининг айланмаси ўтган йилги жами айланмалардан 1,5 марта кўп бўлди.

Филиал таркибида **6** та мини-банк, **15** та валюта айирбошлаш шохобчаси, **2** та махсус, **15** та жамғарма ва **8** та кўчма касса ҳамда савдо ҳуқуқи учун тўловларни, махсус жойларда автомашиналарни қўйиш тўловларини, аҳолининг ва ташкилотларнинг коммунал хизматлар бўйича тўловларини «PAYNET» тизими орқали қабул қилувчи махсус 8 та касса мавжуд. Коммунал хизмат тўловларини ўтказиш учун ниҳоятда қулай ва тезкор бу хизмат тури филиал томонидан шу йил давомида қисқа вақт ичида жорий этилди.

Филиал барча турдаги ва гуруҳдаги мижозлар учун сифатли хизмат кўрсатишга ҳамиша шай. Банк филиали ўз мижозларини кўрсатилаётган хизматларнинг юқори сифатли бўлиши ва тезкорликни таъминлаш орқали жалб этмоқда. Ўз мижозларига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида филиал «банк – мижоз» ва "SMS-banking» тизимларидан фаол фойдаланмоқда. Ҳозирги кунда мазкур тизимлар 67 мижозга ўрнатиб берилган.

Филиал томонидан қуйидаги турдаги кредитлар ажратилмоқда:

**Аҳоли учун истеъмол кредитлари:**

Кредит муддати — 3 йил;

Кредит суммаси — 5,0 миллион сўмгача;

Фоиз устамаси — йиллик 14 фоизни ташкил этади, «Ёшлар йили» муносабати билан ёш оилалар учун имтиёзли 12 фоиз ва бунга қўшимча равишда имтиёзли давр берилади;

Кредит мақсади – республикада ишлаб чиқарилган рўзғор техникаси, радио ва телевидение аппаратларини, мебель ва бошқа уй жиҳозларини, турар жойни таъмирлаш учун зарур ашёларни сотиб олишга кўмаклашиш.



**«Асака» банки филиали томонидан хизмат кўрсатилаётган йирик хўжалик юритувчи субъектлар (корпоратив мижозлар) ходимларига бериладиган истеъмол кредитлари:**

Кредит муддати – 3 йилгача;

Кредит суммаси – 5,0 миллион сўмгача;

Фоиз устамаси – кредит учун ҳар ойда тўлаб бориладиган йиллик 14 фоиз;

Таъминот - иш берувчи (корпоратив мижоз) - хўжалик юритувчи субъектнинг кафиллиги;

Кредит мақсади – республикада ишлаб чиқарилган рўзғор техникаси, радио ва телевидение аппаратларини, мебель ва бошқа уй жиҳозларини, турар жойни таъмирлаш учун зарур ашёларни сотиб олишга кўмаклашиш.

**Тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари:**

Мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълим олиш учун.

Муддати - 6 йилгача (шу жумладан 4 ўқув йили);

Фоиз устамаси – йиллик 14 фоиз;

Таъминот – жисмоний шахс кафиллиги.

**Ипотека кредитлари:**

Кредит муддати – 15 йилгача,

Кредит суммаси – энг кам иш ҳақининг 2500 карраси миқдорида;

Таъминот – сотиб олинаётган уй учун кредит миқдорининг камида 25 фоизига тенг омонат қўйилмаси;

Фоиз устамаси – йиллик 18 фоиз (ёш оилалар учун йиллик 14 фоиз, қўшимча равишда 3 йиллик имтиёзли давр).

**Юридик шахслар учун кредитлар:**

Қисқа муддатли кредитлар – 1 йилгача бўлган муддатга.

Кредит суммаси –150,0 миллион сўмгача;

Таъминот – юридик ёки жисмоний шахсга тегишли ликвидликка эга мол-мулк гарови, тўловга лаёқатлилиги ва молиявий жиҳатдан ишончлилиги текширилган учинчи шахсларнинг кафиллиги;

Кредит мақсади – айланма маблағларни тўлдириш, ускуна ва хомашё сотиб олиш, савдо-воситачилик фаолиятини олиб бориш учун йўналтирилган;

Фоиз устамаси – йиллик 18 фоиз.

Мамлакатимизда кичик бизнес корхоналарини ривожлантириш устувор аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, филиал иқтисодиётнинг ана шу соҳасига фаол равишда кредитлар ажратмоқда. Кичик бизнес субъектларини ривожлантириш учун 2008 йилнинг 8 ойи мобайнида филиалнинг ўз маблағлари ҳисобидан 4,3 миллиард сўмга яқин миқдорда кредитлар ажратилди. Филиалда тадбиркорлик фаолиятига оид қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар билан кичик бизнес вакилларини мунтазам таништириб бориш мақсадида ҳар ойда семинар-машғулотлари ўтказилмоқда.

Шунингдек, кичик бизнес вакилларига ахборот бериб туриш мақсадида «Тадбиркор бурчаги» ташкил этилган. Унда тадбиркорларни қизиқтириши мумкин бўлган барча қонунлар, низомлар ва йўриқномалар илиб қўйилган. Қолаверса, тадбиркорларга маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатиш учун малакали мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи тузилган. Филиал мижози бўлган ҳар бир тадбиркор ўзининг банк хизматига оид саволлари ёки эътирозлари билан Марказий банкда, банкнинг бош офисида ва филиалнинг ўзида ўрнатилган «Ишонч телефонлари» орқали тегишли раҳбариятга мурожаат этиши мумкин. Телефон рақамлари филиал биноси, мини-банклар ва хизмат кўрсатувчи кассаларнинг энг кўзга кўринарли жойларига илиб қўйилган.

Ажратилган ипотека кредитлари миқдори – 2,3 миллиард сўмни ташкил этди, шу жумладан 956,9 миллион сўмлик кредит ёш оилалар учун кўзда тутилган шартлар асосида берилди. 135,6 миллион сўмлик истеъмол кредитлари ажратилиб, шундан 59,3 миллион сўмлиги ёш оилаларга берилди.

Аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этишда ҳисоб-китобларнинг пластик карточкалар орқали нақд пулсиз амалга оширилишига катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда пластик карточкалардан филиал ходимлари билан бир қаторда, йирик корхоналар ва ташкилотларнинг хизматчилари ҳам фойдаланишмоқда. «Асака» банкининг пластик карточкаларидан фойдаланувчиларнинг умумий сони 8 ойлик натижаларига кўра, 20690 нафардан ошиб кетди. Шу давр мобайнида 223 та иш ҳақи лойиҳаси жорий этилди. Ҳозирги кунда мижозларимиздан 355 та ташкилот ўз ходимларига иш ҳақини пластик карточкалар орқали бермоқда. Тошкент шаҳри бўйича «Асака» банкининг пластик карточкалари 176 та савдо-сервис корхоналарида тўлов воситаси сифатида қабул қилинмоқда, бундан ташқари, ундан Тошкент метросига кириш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Хорижий валютадаги «EUROPAY» тизимидаги «MASTERCARD» ва «Maestro» пластик карточкаларини очиш ва қўллаш юзасидан талай ишлар олиб борилмоқда. Филиал бундан буён ҳам муомалага чиқарилаётган карточкалар сонини кўпайтириш мижозларга хизмат кўрсатиш инфраструктураси миқёсини кенгайтириш бўйича кенг миқёсли ишларни амалга ошираверади.

Филиал томонидан носавдо хусусиятига эга барча амалиётлар, масалан: резидент ва норезидент бўлган юридик ва жисмоний шахслар учун ўрнатилган тартибда жорий валюта ҳисоб варақларини, хорижий валюта омонатларини очиш ва юритиш, хорижга ва хориждан тезкор банк пул маблағлари ўтказмаларини амалга ошириш ишлари бажарилмоқда. Филиал томонидан «Western Union» «Близко», «Бистрая почта», «Юнистрим» тезкор пул ўтказмалари тизимлари жорий этилган ва улар орқали МДҲ мамлакатлари ва узоқ хорижий давлатлар билан пул ўтказмалари амалга оширилмоқда.

«Асака» банки Тошкент шаҳар филиали барча турдаги юридик шахслар ва хуллас мижозлар билан ҳамкорлик қилиш учун доимо очиқ. Мижозларимизнинг ҳаммаси ва ҳар бири ўз муаммоларининг оптимал ечимини банк филиали билан ўзаро манфаатдорлик асосидаги шериклик ва ҳамкорлик асосида топишига ишончимиз комил. [t]

**(Ўз мухбиримиз)**

● *Таълим*

# КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ

**Ёшликда олган билим тошга ўйилган нақш кабидир, дейдилар. Шу боис фарзандининг етук инсон бўлишини истаган ҳар бир ота-она унинг ёшлигидан яхши таълим-тарбия олишига жиддий қарайди. Бунда мактабнинг ҳам алоҳида ўрни бор, албатта.**



— Истиқлол йилларида барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Бугун юртимиздаги мактаблар ёш авлодга пухта билим берадиган ҳамда тарбия ва маърифат масканига айланди, — дейди Шаҳрисабз туманидаги 90-мактаб директори Алия Бариева. — Ёшларнинг билим сирларини пухта эгаллаши, жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлиб вояга етишида таълим-тарбия ишига малакали мутахассислар жалб этилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур ўқув даргоҳида тажрибали раҳбар А.Бариева бошчилигида 47 нафар ўқитувчи фаолият олиб бормоқда. Улар орасида халқ таълими аълочилари, олий тоифали ўқитувчиларнинг борлиги қувонарлидир. Интилиш, қизиқиш, изланиш ўқувчи ёшларга қанчалик фойдали бўлса, устозларга ҳам бу хислатлар шунчалик зарур. Она тили ва адабиёти ўқитувчиси Гулбаҳор Раҳимова, физика ўқитувчиси Людмила Антипова, математика ўқитувчиси Дамира Бойбековалар «**Йилнинг энг яхши ўқитувчиси**» кўрик-танловининг туман, вилоят босқичларида муваффақиятли иштирок этишди. Бундай етук устозлардан таълим-тарбия олаётган ўқувчиларнинг эришган ютуқлари ҳам шунга муносиб бўлаётир. Айниқса, уларнинг спорт соҳасидаги ютуқлари таҳсинга лойиқ. Ўқувчиларнинг аксарияти спорт тўгаракларига қатнашадилар.

— Спортнинг ўзимиз қизиққан турлари билан шуғулланишимиз учун ҳар томонлама шароитлар яратилган. Кураш, каратэ, кикбоксинг, баскетбол, волейбол каби тўгаракларга иштиёқ билан қатнашамиз, — дейди ўқувчилар биз билан суҳбатда.

10-синф ўқувчиси Шуҳрат Раззоқов турон якка кураши бўйича республика миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, чемпион бўлди. Моҳир устоз-мураббийларнинг машғулотларда берган сабоқлари ана шундай ажойиб ютуқларга етаклайди. Бир сўз билан айтганда, мактаб чин маънода таълим-тарбия ўчоғи бўлмоғи лозимлиги, шу қутлуғ маскан комил инсонлар тарбиясида муҳим босқич вазифасини ўташини устоз-мураббийлар ҳамиша назарда тутиб, шу эзгу йўлда сидқидилдан меҳнат қилишяпти. [t]

**Файзулла ДАВРОНОВ**

**Мамлакатимизда истиқлол йилларида адвокатура институти тубдан ислоҳ қилинди, пировардида адвокатларнинг жамиятдаги ўрни, нуфузи сезиларли даражада ортди. Бунда, албатта, мазкур фаолиятнинг ҳуқуқий асослари яратилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, «Адвокатура тўғрисида»ги ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари адвокатуранинг ривожланишида, тергов ва суд ишларини юритишнинг ҳар бир босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини кафолатлашда, фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга кўрсатилаётган юридик ёрдамнинг самарали бўлишида катта аҳамият касб этаётир.**

● *Ҳуқуқий маърифат*

# АДВОКАТ НУФУЗИ ОРТМОҚДА



Юртбошимизнинг «**Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги Фармони алоҳида диққатга сазовордир. Мамлакатда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштиришда, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлашда, соҳага юқори малакали кадрларни жалб этишда, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини оширишда мазкур Фармоннинг аҳамияти катта. Унда фуқароларнинг тергов ва суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини кафолатлаш борасида келгусида амалга ошириладиган ислоҳотларнинг асосий йўналишлари аниқ белгилаб берилган. Фармонга асосан Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси негизида барча адвокатларнинг мажбурий аъзолигига асосланган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил қилинди. Мазкур палата юридик шахс мақомига эга нотижорат ташкилот ҳисобланиб, ўзининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузиладиган ҳудудий тузилмалари билан биргаликда адвокатуранинг ягона ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2008 йил 28 августдаги ўн бешинчи ялпи мажлисида «**Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди. Амалдаги Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ҳимоячиси сифатида адвокат билан бир қаторда ҳар қандай шахс, шу жумладан, тегишли юридик маълумоти ва юридик хизмат кўрсатишга доир лицензияси бўлмаган шахс ҳам иштирок этиши мумкин эди. Ушбу норма фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини таъмин эта олмас эди. Киритилган ўзгартишлар мавжуд кемтикликни жиноят ишида ҳимоячи сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхатини аниқ белгилаб қўйиш орқали бартараф этмоқда. Хусусан, жиноят ишида ҳимоячи сифатида фақат адвокатлар, яъни зарур юридик билими ва ҳуқуқий соҳада иш тажрибаси бор шахслар иштирок этиши мумкин. Амалдаги қонун ҳужжатларида белгилангандан фарқли равишда гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари фақат адвокат билан бир қаторда ишда ҳимоячи сифатида иштирок этиши мумкин.

Ривожланган давлатларда оилада бирорта ҳуқуқий муаммо келиб чиқса, дарҳол оиланинг адвокатини чақириб, шундан кейингина муаммо бартараф қилинади. Бизнинг давлатда ҳам юқорида қайд қилинган ҳуқуқий асослар мавжуд, фақат фуқароларимиз ҳимоячиси бўлган адвокатлар ўз нуфузини ошириш учун чуқур билимга эга бўлиши, ўз устида мустақил ишлаши, ҳар қандай ноҳақликка қарши курашиши, қонун билан берилган ваколатлардан тўғри ва тўлиқ фойдаланиши талаб қилинади.

**Комил ҚАЛАНДАРОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК департаменти Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси инспектори, адлия кичик маслаҳатчиси**

● *Ҳаётий ёндашув*

# МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

## ва ижтимоий муносабатларни тартибловчи муҳим қўлланма




**Ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, бозор муносабатларини қарор топтириш, чуқур ислоҳотларни амалга ошириш ва демократик қадриятларни халқ онгига сингдириш бўйича кўрилаётган самарали чора-тадбирлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан **"Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари рўйхати"** тўплам шаклида тайёрланди.

Ушбу тўпламнинг тайёрланиши нафақат амалий эҳтиёж, қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги **"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"**га Қонунининг 33-моддаси ижросини таъминлашга ҳам хизмат қилади десак, муболаға бўлмайди. Чунки, ушбу модда талабига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат томонидан ҳисобга олиш бундай ҳужжатларни марказлашган тарзда йиғиш ва рўйхатга олишдан, уларнинг фондларини ҳамда бу ҳужжатлар ҳақидаги марказлашган ахборотларни яратиш ва назорат ҳолатида сақлаб туришдан иборатдир. Шу сабабли, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олишда нафақат уни йиғиш ва рўйхатга олиш, энг муҳими, уларни назорат ҳолатида сақлаб туриш уни амалиётда қўллашнинг муҳим гаровидир.

Мазкур тўплам тузилиши жиҳатидан кириш, 1989-2008 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари рўйхати, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари рўйхати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш, унга қўшилиш тўғрисидаги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси қўшилган (ратификация қилган) халқаро кўп томонлама шартномалар рўйхати (МДҲ доирасида қабул қилинганлари бундан мустасно), Ўзбекистон Республикаси тузган икки томонлама шартномалар рўйхати (МДҲ давлатларидан ташқари), Ўзбекистон Республикасининг МДҲ мамлакатлари билан тузган икки томонлама шартномалар рўйхатидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг қайд этилган турлари бўйича тизимлаштирилиб берилиши ҳуқуқни қўллаш амалиёти субъектлари учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Тўпламни тайёрлашдан мақсад, энг аввало, қонун ижодкорлиги фаолиятида ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ундан самарали фойдаланишга эришишдан иборат. Бундай тизимлаштириш асосида миллий қонун ҳужжатларининг рўйхати тузилганлиги, уларнинг эълон қилинган манбаси кўрсатилган ҳолда ифода этиб берилганлиги амалиётда яхшигина ёрдам беради. Энг муҳими, янги қонунларнинг моҳиятини тушунишда, уни ижрочи ва аҳолига етказишда тўпламдаги миллий қонунчиликка оид манбалардан фойдаланилиши мамлакатимизда демократик жараёнларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришда, ҳуқуқий давлат қуриш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг хусусиятларини инобатга олиб, уни ривожлантиришда муҳим қонунчилик базаси бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, қонун ҳужжатларини жойларга етказишда муҳим қўлланма вазифасини бажаради. Бинобарин, ушбу рўйхатда ифодасини топган қонун ҳужжатларининг расмий манбаси асосида ижрочи ва аҳолига етказилиши ҳуқуқни қўллаш амалиёти субъектлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тўплам Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тизимли равишда ўрганиш натижасида тайёрланди. У асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мукаммал рўйхатидир. Ушбу қўлланма қонун ҳужжатларининг эълон қилиниши, уларнинг вақти ва тартиб рақамлари, ўзгартиш ва қўшимчаларнинг тўлиқ рўйхати ҳамда расмий эълон қилинган манбалар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига қамраб олганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Шубҳасиз, миллий қонунчилигимиз ижтимоий муносабатларни тартибга солиш эҳтиёжларига мос равишда жадал ривожланиб бормоқда. Ўз навбатида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг такомиллашиб бориши билан уларнинг рўйхати ҳам ўзгариб боравериди. Ушбу тизимли ёндашув асосида тайёрланган тўплам муҳим амалий қўлланма бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

**Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.**

● *Тадбир*

# ҚАРИНДОШЛАР ЎРТАСИДАГИ НИКОҲ,

## *ва унинг салбий оқибатлари*

**Ҳар бир ота-она фарзандларининг соғлом вояга етишини истайди ва доим уларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилади. Албатта, ёш авлод саломатлиги энг аввало, болаларнинг соғлом туғилишини тақозо этади. Аммо ҳаётда шундай ҳолатлар борки, ота-оналар билиб-билмай ўз жигарбандларининг соғлиғига жиддий зиён етказиб қўядилар. Шунчаки лоқайдлик, тиббиёт хулосаларини чуқур англаб етмаслик, нотўғри фикрлаш оқибатида болаларнинг ногирон бўлиб туғилишларига сабабчи бўлиб қоладилар.**



Хусусан, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ ана шундай аянчли оқибатларни келтириб чиқаради. Бу нафақат оилалар ташвиши, балки бутун жамият ва давлатимиз эътиборидаги жиддий масала бўлиб келаётир. Шу боис бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бундай ҳолатларнинг олдини олиш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларини кенг оммага тушунтириш борасида қилинадиган ишлар, муҳим вазифалар белгиланиб, зарур ҳуқуқий асослар яратилмоқда. Жумладан, «Оила кодекси»нинг 16-моддасида «Насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олинганлар ўртасида»ги никоҳга йўл қўйилмаслиги қайд этилган. Чунки яқин қариндошлар ўртасида тузилган никоҳ, албатта, ногирон болалар туғилишига олиб келишини тиббиёт ва ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Яқинда Тошкент вилояти адлия бошқармаси ташкилотчилигида ўтказилган «Яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш туғма ирсий касалликлар манбаидир» мавзуидаги семинар-тренингда репродуктив саломатлик, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари хусусида фикр-мулоҳаза алмашилди. Президентимизнинг 2008 йил 18 июндаги «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашга бағишланган мазкур тадбирда Республика скрининг маркази, Республика репродуктив саломатлик маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Адлия вазирлиги масъул ходимлари, шифокор мутахассислар, Ўзбекистон мусулмонлар диний идораси ҳамда ОАВ вакиллари, Тошкент вилоятидаги шаҳар ва туманлар ФҲДЁ мудиралари иштирок этишди.



Семинар-тренингда, айниқса, мавзуга оид мутахассис-шифокорларнинг кўргазмали таҳлилий чиқишлари бу каби никоҳнинг аянчли оқибатлари ҳақида йиғилганларда таассурот уйғотди. Хусусан, ирсий касалликлар ирсий ахборотларни наслдан наслга ташувчи генларининг ўзгаришлари натижасида юзага келиши, бу «касаллик» генларнинг кўпчилиги танада яширин ҳолда сақланиши, бу манбалар бир-бирига ўхшаш генли ота-оналар орқали фарзандларга ўтиб қўшилиши оқибатида ирсий касалликлар болаларда намоён бўлиши хусусиятларига оид батафсил маълумотлар келтирилди. Одамлар ўртасида бундай никоҳ тузишга хайрихоҳликнинг маънавий, ижтимоий сабаблари хусусидаги фикр-мулоҳазалар ўртага ташланиб, аҳолининг кенг қатлами орасида тарғибот ишларини янада кучайтириш чора-тадбирларига доир аниқ таклифлар билдирилди.

Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, яқин қариндошлик ўртасидаги никоҳ туфайли бир оилада ҳатто икки-уч нафар боланинг туғма ногирон бўлиб туғилиши ота-оналар ва фарзандларни маънан ва жисмонан умрбод изтироб чекишга олиб келади.

Шу боис қайд қилинган статистик маълумотлар, ҳаётий мисоллар йиғилганларни бу хусусда жиддий ўйлаш, янада самаралироқ амалий ишлар қилишга ундади. Шунингдек, семинар-тренингда тегишли ташкилот ва муассасаларда бу борада олиб борилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар ҳақида сўз борди.

**Дилором МАТКАРИМОВА,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

**Суратларда: тадбир жараёнидан лавҳалар**
**Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар**

**Таҳририятимизга келган қуйидаги мактубни ўқигач, кўнглимизда воқеалар озгина бўрттириб юборилмадимикин, деган шубҳа ҳам йўқ эмасди.**

**Мақоламиз аввалида «Ёрдам беринглар» деб бошланган мактубда битилган сатрларни қисқача келтириб ўтишни жоиз топдик.**

● *Оғриқ*

# ОТАНГГА БОР, ОНАНГГА БОР

## *ўртада сарсон болалар*

**«... Биз оилада 6 нафар фарзандмиз. 2006 йилда онам Фармонова Латофат бизларни ташлаб, шаҳарга кетиб қолди. Икки йил мобайнида бизлардан бирор марта хабар олмади. Ҳозирда фақат 2003 йилда туғилган укамиз Шукрулло онамиз билан бирга яшайди. Биз ҳам онамиз, укамиз билан бирга, оиламиз бағрида жамулжам, оналик меҳридан баҳраманд бўлиб яшашни хоҳлаймиз.**

**Норова Маҳбуба 1992 йилда, Норова Мафтуна 1994 йилда, Норова Муниса 1995 йилда, Норова Ўғилой 1999 йилда, Норова Шоира 2005 йилда туғилган».**

Мактубда қизларнинг оталари ҳақида бир сўз ҳам айтилмагани эътиборимизни тортди. Шу сабабли журналистик текширувни мактуб муаллифларининг оталари билан суҳбатдан бошладик. Биология ўқитувчиси Шукуров Тўхтамурод зиёлинамо, меҳрибон ота сифатида таассурот уйғотгандек бўлди. Суҳбат асносида Фармонова Латофат билан ҳозирда ҳам қонуний никоҳда эканликларини, тез-тез уйдан кетиб қолиш одатлари олдин ҳам бўлганлигини, охирги марта 2006 йилда уйдан чиқиб кетиб, ҳозирда Каттақўрғон шаҳарчасида яшаётганлигини маълум қилди.

Наҳотки, 6 нафар фарзандни дунёга келтириб, уларга оқ сут берган аёл ўз болаларидан осонликча воз кеча олса, деган фикр бизга тинчлик бермади. Қолаверса, она йўлига интиқ боқаётган, соғинч тўла қора кўзлар биздан жавоб кутмоқда.

— Агар менга оила, фарзанд керак бўлмаганда, 6 нафар ўғил-қизни дунёга келтирармидим, — деди Латофат фикримизни уққандек, — 5 қиздан кейин, ўғил фарзанд кўрганимда қанчалар қувонган эдим. Икки қайнопам ҳам биз билан яшайди. Эрим уларнинг қутқуси билан мени урмаган куни йўқ... Ҳозирда фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судига, икки нафар кичик қизларимни олиш учун ариза берганман. Агар уй-жойим, имконим бўлганда-ку...» Аёл ўпкаси тўлиб охирги сўзларини айтмоқда. У оиласини сақлаб қолишдан, не бир гўзал орзулар билан келин бўлиб тушган қадрдон гўшага қайтиш ва болалари бағрида бўлиш бахтидан умидвор эканлигини ҳис қилдик. Онанинг изтиробларига ишонмасликка ҳаққимиз йўқ. Аросатда мурғак қалблар озор чекаётганлиги кўнглимизга оғир ботади. Отанинг муддаоси ҳозирча мавҳум.

— Болаларни икки йилдан бери ўзим тарбиялаб, катта қилаяпман. Лекин қиз болаларга она тарбияси муҳим. Агар болаларни онаси олиб кетса, ўз вақтида алимент тўлаб, уларнинг моддий таъминоти учун ёрдам бераман.

Т.Шукуровнинг бу сўзлари кишини ўйга солади. Фарзанд камоли учун, хоҳ у ўғил бўлсин, хоҳ қиз бўлсин, ота-онанинг тарбияси, меҳри бирдай муҳим.

— Мен Латофат билан яшамайман, — дея бизнинг фикримизга эътироз билдирди ота, — унинг маънавий ахлоқи... Қайта бирга яшашга менинг эркаклик ғурурим йўл қўймайди.

Тўхтамурод ака сўзининг исботи тариқасида яна нималарнидир узоқ гапирди. Сўнг: — Акаси Каттақўрғондан уй олиб берган. Болаларни олиб кетсин, уларни моддий томондан таъминлаб тураман, — деди яна таъкидлаб.



Биз шундан кейингина унинг муддаосини тушунгандек бўлдик. Ҳайратимиз ошди. Агар ҳақиқатан ҳам болаларининг онаси у айтгандек бўлса, наҳотки, ўзи яшашга ор қилаётган аёлга, ота бўла туриб, фарзандларининг тақдирини, тарбиясини ишониб топшира олади. Ахир, оталик бурчи фақатгина моддий таъминот билан ўлчанадими? «Меҳрибон» отанинг бу йўсиндаги холисона қарори бизнингча мантиққа асло тўғри келмади.

Азалий қадриятларимиз манбаи бўлган ислом таълимотида қиз болага нисбатан кўпроқ эътибор, алоҳида меҳр-мурувват лозимлиги уқтирилади.

Қиз боланинг кўнгли гулдан ҳам нафис, тарбияси ундан ҳам нозик. Балки шу сабабли, Ҳадиси Шарифда: **«Бир ва ундан ортиқ қизни тарбиялаб ўстирган инсоннинг жойи жаннатдадир»,** дейилган.

Бугунги кунда Ҳукуматимиз томонидан фарзандларимиз камолоти йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликка дунё ҳамжамияти тан бермоқда. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **«Вояга етмаганлар билан ишлаш Комиссияси»** мамлакатимиз бўйлаб вояга етмаганлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясига қаратилган улкан ишларни амалга оширмоқда. Ана шундай қизғин эзгу фаолият палласида Нарпай туманидаги тегишли мутасадди ташкилотлар, гарчанд бу болалар бир неча бор мурожаат қилган бўлсалар-да, уларнинг тақдирига бефарқ қаралгани бизни ранжитди.

**Бир оиланинг пароканда бўлишига, беғубор болалик тасаввурига соя тушишига ким айбдор? Отами, онами?.. Ёки бир-бирининг тақдирига лоқайд одамларми, маҳалла-кўйми? Бу саволга жавобни ҳар ким ўзидан қидиргани маъқул.**

Халқимизда «Эзгуликнинг кечи йўқ», деган нақл бор. Шу нуқтаи назардан эслатиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Бизнинг халқимиз энг оғир дамларда ҳам бир бурда нонини турли миллат болалари билан баҳам кўрди. Иккинчи жаҳон уруши даврида етим болаларни ўз бағрига олган Шоқосим Шомаҳмудовлар, каттақўрғонлик Ҳамид Самадовлар оиласининг инсонпарварлиги тарихда мангу муҳрланиб қолди. Биз ҳаёт мазмуни, фарзандларимизнинг бахту саодатида деб билган бағрида-рё ўзбек эканлигимизни унитмасак бўлди.

**Фарида ҚОРАҚУЛОВА,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

